

ТАРИХДАН САБОҚ ОЛИБ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИБ ЯШАШ – БУГУНГИ ҲАЁТНИНГ ЎТКИР ТАЛАБИ

Президент Ислон Каримовнинг интервьюсидан келиб чиқадиган хулосалар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов шу йил 9 май куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда иштирок этиб, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан савол-жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, жаҳонда ва ён-атрофимиздаги мавжуд вазият ҳақида ўта муҳим ва долзарб фикрларни баён этди.

Давлатимиз раҳбарининг бу чиқиши, унинг барча нутқ ва маърузалари каби, ўзининг долзарблиги, кенг қамрови, теран мантиқий асоси, амалий хулоса ва тақлифлари билан халқимиз, жамоатчилигимиз ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Мазкур суҳбатда, аввало, халқимизнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

“Агарки ана шу даҳшатли урушда 1,5 миллион юртдошимиз қатнашганини, шундан тахминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, бу фожиа Ўзбекистондаги бирон-та хонадонни четлаб ўтмагани аён бўлади”.

Дарҳақиқат, бу рақамларнинг маъини чақадиган бўлсак, улар халқимиз бошига тушган чексиз қайғу-алам ва изтироблардан далолат бериши ўз-ўзидан равшан бўлади.

“Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин халқимизнинг кўксидagi, қалбидagi мудҳиш уруш азоб-укубатлари, айрилиқ яраси ҳеч қачон унутилмайди, – деди давлатимиз раҳбари. – Барчамизнинг ишончимиз комил: фашизмга қарши курашда ўз она юртининг тинч, осойишта ҳаётини, бегубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшайди, халқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслайди, уларнинг охираги обод бўлишини Яратганимиздан сўрайди”.

Ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келгани ва қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетгани ушбу чиқишда алоҳида қайд этилди.

“Жаҳон тарихида даҳшатли из қолдирган, собиқ Совет Иттифоқида яшаган 27 миллион одамнинг умрига зомин бўлган, халқимизга қанча азоб-укубатлар, йўқотишлар олиб келган, қанча аёлларнинг бева-бечора, қанча болаларнинг етим бўлиб қолишига сабаб бўлган бу ёвуз офатнинг ҳаётимизда қолдирган изи, асорати, вақт ўтса-да, даврлар ўтса-да, ҳеч қачон эскирмайди”, деган сўзлар айтилди.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида гоёт муҳим мавзуга, яъни мудҳиш ва аёвсиз урушнинг тақдорларимизга учун унинг илдизлари яна униб чиқишининг олдини олиш ҳозирги вақтда энг долзарб, энг муҳим муаммо бўлиб қолаётганига жиддий эътибор қаратди.

“Дунёнинг кўпгина минтақаларидаги қарама-қаршилик, қуролли тўқнашулар, қонли фожиялар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол, аввало Афғонистонда 30 йилдан зиёд вақт мобайнида давом этаётган таҳликалий вазият Ватанимизни ҳар қандай бало-қазолардан асраш учун доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилади” деган фикрлар, табиийки, ўз оиласининг, фарзандларининг эртанги кун ҳақида ўйлайдиган ҳеч бир юртдошимизни бепарқ қолдирмайди.

Айниқса, бугунги шиддатли замонда лоқайд ва бепарво бўлмасдан, юртимизда, минтақамизда, ер юзиди содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга даҳлдор бўлиб, бошқаларнинг дардини ўзинга яқин олиб яшаш гоёт муҳим аҳамият касб этмокда.

Ана шу интервьюдаги “Эй одамзот, кўзингни оч, атрофга бир қара, кечаги тарихдан хулоса, сабоқ чиқар! Бундай бало-қазоларга қарши ўз вақтида чора кўриш, керак бўлса, бутун имкониятларимизни уларга қарши ишлатиш, тур-

ли мамлакатлар, турли миллат ва элатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриб эмас, балки ўзаро елкадош бўлиб, тил топишиб, турли офатларни томири билан йўқ қилишни бугун замоннинг ўзи талаб этмокда. Бунинг яккаю ягона йўли шу. Бунинг бугун тушуниб, англаб олмасак, эртага кеч бўлади” деган, бамисоли қалб нидоси каби янграган даъваткор сўзлар ҳаммамизни ён-атрофимизга сергак назар ташлаб, маънавий жиҳатдан доимо уйғоқ бўлиб яшашга ундайди.

Хотира майдонида журналистлар билан бўлиб ўтган суҳбатда тарихий хотира тушунишга ҳар томонлама илмий ва ҳаётий асосда таъриф берилди.

“Тарихий хотира – бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига даҳлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-болаларимизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва аъёнларимизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демекдир”.

Чиндан ҳам, тарихий хотира одамини беғамлик ва бефарқлик туйғусидан уйғотди, унинг гафлат ботқоғига ботиб қолишига йўл қўймайди. Бу фикрга ишонч ҳосил қилиш учун Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китобига мурожаат қилиш жоиз, деб ўйлаймиз. Ушбу китобдан ўрин олган, 1990 йил 5 июнда республика микросидаги катта бир мажлисда мамлакатимиз раҳбари томонидан баён этилган, чуқур сиёсий мазмунга, дастурий аҳамиятга эга бўлган маърузанинг “Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажаққа ишонч билан” деб аталиши буни яққол тасдиқлайди.

Одамни ҳайратга соладиган томони шундаки, бундан 22 йил олдин сўзланган ўша маърузада ушбу шарҳимизда тилга олинган энг муҳим масалалар, яъни тарихга ҳурмат билан қараш, уруш ва меҳнат фахрийларини қадрлаш, азалий урф-одат ва

аъёнларни, миллий тилни асраб-авайлаш, миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, миллатчилик, шовинизм, “оммавий маданият” кўринишларига қарши курашиш, байналмилал тарбияни кучайтириш, ёшларга ҳал қилувчи куч сифатида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, Қуролли Кучларга муносабат каби ўнлаб масалалар ўзининг ҳар томонлама чуқур таҳлилини тоғганини ва бу масалалар бугунги кун билан нақадар ҳамоҳанг эканини яққол кўриш мумкин.

Хотира майдонидаги суҳбат чоғида Президент Ислон Каримов, шунингдек, бугунги кунда бутун инсониятни ўйлантириши лозим бўлган яна бир ўта муҳим мавзуга батафсил тўхталиб ўтди. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага 67 йил бўлишига қарамадан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна илдиз отаётгани, қайта бош кўтараятгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётгани ҳақида, бундай хавф-хатарларни сезмаслик, кўрмаслик, уларга нисбатан бепарво бўлиб яшаш асло мумкин эмаслиги ҳақида кўйинчи сўз юритди.

“Биз ҳозир XXI асрда яшаймиз, миллатчилик иллати ўрта асрларда қолмадики? Бизга қўшни бўлган баъзи давлатларда тарихлар қайта ёзилапти, бу борада институтлар, идоралар тузилапти. Гўёки, бу давлатдаги асосий миллатнинг у билан ёнма-ён яшаётган бошқа миллатлардан устун томонлари бор экан. Бундай ноҳус ҳолатларга вақтида баҳо бермасак, уларнинг олдини олмасак, оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар” деган сўзлар, ҳеч шубҳасиз, огоҳ этувчи бир бонг бўлиб янгради, десак, асло хато бўлмайди.

Афсуски, вақт ўтиши билан баъзи ҳақиқатлар эсдан чиқади, баъзи ҳақиқатлар гаразли мақсадларда сохташатирилади. Ана шундай ҳолатларни назарда тутган ҳолда, Президентимиз бугунги кунда фашизмни, Гитлердек ёвуз шахсларни оқлашга бўлган уринишларни қаттиқ

қоралаб, тарих ҳақиқатини ҳеч қачон унутмасликка чақирди: “Ҳозирги вақтда баъзи жойларда Гитлер давлат тепасига демократик йўл билан келган, деган даъволар, баёнотлар ҳали-бери чиқяпти. Бундай гапларни эшитганда, мен ўзимга ўзим савол берман: агарки фашизмни ҳукумат тепасига олиб келадиган бўлса, бунинг демократик йўл деб айтишга ўзи қандай тил боради ва бу қандай ақлга сиғадир?”

Мазкур чиқишда бугунги кунда Ўзбекистон эришяётган, дунёдан олаётган улкан натижаларнинг негизиди турган асосий омил мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқарашини, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганида яққол намоён бўлаётгани тўғрисида афсуслиқча фикр юритилди: “Аваламбор, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча ютуқларимизнинг пойдевори, куч-қувватимиз манбаига айланаётганини сезиш, кўриш қийин эмас”.

Бу борада айниқса инсон омилни ҳал қилувчи роль ўйнаётгани ҳар томонлама кенг таҳлил этиб берилди. Шу муносабат билан тарихий доҳийлар эмас, балки онгли ва бунёдкор инсон, халқ яратиши ҳақидаги фикрлар янгича контекстда, янги мазмун ва фалсафий руҳ билан баён қилинди.

Ҳаммамизга яқин маълумки, собиқ совет мафқураси йиллар давомида бизнинг онгимизга тарихийнинг яратувчиси доҳийлардир, инсон, халқ эса катта давлат машинасининг кичик бир бўлаги, винтчаси деган нотўғри гоёни сингдириб келган эди. Болшевиклар халқимизга нисбатан таъйиқ ва таъқиқларни авж олтирган 20-30-йилларда бизнинг иходкор зиёлиларимиз, хусусан, буюк шоиримиз Чўпон ўзини тўқиларлар гирдобига тушиб қолган сомон парчасига ўхшатгани халқимизнинг ана шундай мафқурага қарши қалб исённинг ифодаси бўлган эди. (Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОДҚБ ВА МДХ ОЛИЙ ОРГАНЛАРИНИНГ МАЖЛИСЛАРИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2012 йил 15 май куни Москва шаҳрида бўлиб ўтадиган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДҚБ) ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) олий органларининг мажлисларида иштирок этади.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ – АСОСИЙ МЕЗОН

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан қорхона, ташилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари орқали ижтимоий шериклик асосида олиб борилаётган инсон манфаатларини ҳимоялашдаги аҳамиятга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида меҳнат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишчи мустақам ҳуқуқий асос яратилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қатор қонунлар ҳамда жамоа шартномалари, ҳодим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан муҳофазаланади. Жамоа шартномалари қорхона, ташилот ва муассасаларда ҳодимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларни шартнома асосида тартибга солишга, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш, ҳодимлар учун имтиёзлар яратиш мақсадида тузилади. Мамлакатимизда бугунги кунда бевоқиф қорхона, ташилот ва муассасаларда имзоланган 91 мингдан ортиқ жамоа шартномалари орқали 4 миллион 128 минг нафар ҳодим манфаатлари ҳимояга олинган.

Жамоа шартномавий муносабатлар билан юридик шахсларнинг 94 фоизи қамраб олинган. Бу дунё микросида энг юқори кўрсаткичдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмаларининг ҳимоя вазифаси асосан

бандлик, меҳнат хавфсизлиги, даромадларни ошириш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя йўналишларида амалга оширилмокда.

Ҳодимларнинг касби, малакаси ва меҳнат шартномасига биноан тула бандлигини таъминлаш, коллеж битирувчилари учун “Устоз-шогирд” тизимини жорий этиш, янги иш ўринларини яратиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш чоғида қонун меъёриларига риоя этиш масалалари жамоа шартномалари орқали ҳал этилмокда.

Ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини бажариш доирасида охириги йилларда жамоа шартномалари орқали уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга, кўп болали ҳам таъминланган ва ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни маданий дам олишлари ҳамда соғломлаштирилишини таъмин этиш, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига қўув қуроллари ва дарсликлар олиб бериш тизими йўлга қўйилди.

Биргина 2011 йил давомида жамоа шартномалари орқали 72655 нафар фуқарога 23,5 миллион сўмдан зиёд ижтимоий ёрдам берилди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Аҳмаджон РИХСИБОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони яна биттага кўпайди. “Оила даврасида” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетасининг ilk сони 100 минг нусхада чоп этилди.

«ОИЛА ДАВРАСИДА» – ЯНГИ НАШР

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан оилани мустақамлаш, оила институтини ривожлантириш масаласига истиқлолнинг ilk кунларидан устувор аҳамият қаратиб келинмокда. Бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самаралари аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш каби эзгу ишларда ўз ифодасини топаётир. Мустақам оила йилида мазкур йўналишдаги ишлар қўлами янада кенгаймоқда.

Оила – жамиятнинг энг муҳим бўғини, миллат давомчилари тарбия топадиган маскан. Оилага эътибори баланд халқнинг эртаси обод, давлати қудратли бўлади, миллий ўзлиги завоқ билмайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, оила соғлом экан – жамият мустақам, жамият мустақам экан – мамлакат барқарор.

“Оила даврасида” газетаси жамиятимизда оила институтини, эзгу қадриятларни янада мустақамлаш, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган кенг қўла-



ли ишларни тарғиб этиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида, азалий қадриятларимизга чуқур ҳурмат, соғлом ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялаш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишни ният қилган. Газета давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Мустақам оила йили” Давлат дастури доирасида ташкил этилди.

Янги нашрда мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти, азалий миллий аъёна ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, оила аталмиш муқаддас қўргонни мустақамлаш масалаларини кенг ёритиш, турли жанрдаги қизиқарли материалларни чоп этиб бериш қўзда тутилган. Халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилага оид қадриятларнинг тарғиботи аҳиллик ва иноқлик, садоқат ва меҳр-муруват каби эзгу инсоний фазилатларнинг жамиятимизда янада мустақамроқ қарор топишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Янги газета мамлакатимиздаги барча оилалар даврасида севиб ўқиладиган қадрдон нашрга айланади, деган умиддамыз.



ЁШЛАР КАТТА ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

Янгийул туманида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида касаба уюшмалари томонидан ибратли ишлар амалга оширилмокда. Коллежлар маъмурияти битирувчиларни қорхона ва ташилотлар билан тузилган шартномалар асосида ишга жойлаштирмокда.

СУРАТДА: Янгийул “Еф-мой” очик акциядорлик жамияти касаба уюшмаси раиси Раҳмонберди Абдуҷалилов қадоклаш бўлими тажрибали ишчиси Саломат Бобоева билан коллежни битириб ишга келган ёш ишчилар Аҳмад Толипов ҳамда Илхом Азизовга меҳнат шартномаси мазмун-моҳиятини тушунтиришмокда.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ТАРИХДАН САБОҚ ОЛИБ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИБ ЯШАШ – БУГУНГИ ҲАЁТНИНГ ЎТКИР ТАЛАБИ

(Боши 1-саҳифада)

Президентимизнинг бу масалага янгилик нуктаи назардан ёндашуви ҳаётда инсон омилининг, халқнинг тарихдаги ўрни ва аҳамиятини янада терекин очиб беришга хизмат қилади. Шу маънода, **“Агар халқ қўллаб-қувватламаса, унинг орзу-интилишлари, хоҳиш-иродасини ифода этмаса, деҳқоннинг ўзи ҳеч нарса қилолмайди”** деган фикрлар бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу суҳбатда яна бир муҳим масала – униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг ота-боболар аъналарини давом эттириб, уларнинг хотираси, бебаҳо меросига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, ғурур-ифтихор туйғуси билан яшаши миллий ўзига хошлигимизнинг асосий белгиси ва ҳал қилувчи шарти экани таъкидланди. Мамлакатимизда ёш авлодни айнаш шу руҳда тарбиялаш, камолга етказишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга ошириладиган барчамиз яхши ҳабардоримиз.

Айниқса, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, баркамол авлодни воёга етказиш бўйича мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб амалга оширилётган дастурларнинг натижалари дунёда кенг эътироф этилмоқда. Яқинда айнаш шу масалаларга бағишлан Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференциялар биз учун инсон омили, инсоннинг бахти ва камолоти энг буюк мақсад эканини яна бир бор тасдиқлади.

Бу конференцияларда БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ва намояндалари, дунёнинг қариб 50 та давлатидан, тараққий топган мамлакатлардан кўзга қўринган давлат ва жамоат арбоблари, йирик олимлар ва мутахассислар келиб, бу борадаги ютуқларимизни тан олгани бунинг аққол далилидир.

“Дунёдаги ҳар қайси давлатнинг эртанги кунини, истиқболини ҳал қиладиган иккита мезон, яъни аҳоли саломатлигини сақлаш ва таълим-тарбия соҳасида Ўзбекистоннинг етакчи ўринларга чиқаётгани нимадан далолат беради, бу ютуқларга қандай эришилмоқда, деган масалалар юзасидан кўпгина фикрлар билдирилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин мендан сўраса, бу ютуқларнинг асосий мезони инсон омили, деб айтган бўлардим”, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда юртимизда одамларнинг дунёқароши тубдан ўзгармоқда, юксалмоқда. Бугунги замондошларимиз билан 90-йиллардаги инсонларнинг дунёқароши, онгу тафаккурида ер билан осмонча фарқ бор. Лекин буни баъзан ўзимиз ҳам сезмай қолаямиз, гўё аввалдан шундай бўлиб келгандек. Энг муҳими, оиламиздаги, меҳнат жамоамиздаги, фарзандларимиз таълим олаётган билим масканларидаги, барча шаҳар ва қишлоқларимиздаги, бутун Ўзбекистонимиздаги бекхёс янгилашлар мисолида бу ўзгаришларнинг натижаларини ҳар қадамда кўряпмиз.

Мамлакатимизда 2012 йилнинг “Мустақкам оила йили” деб эълон қилиниши ҳам инсон омилига бўлган

эътиборнинг амалий ифодаси экани суҳбат давомида қайд этиб ўтилди. Инсон манфаатларини биринчи ўринга қўядиган ана шундай изчил сиёсат туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб, кўпмиллатли мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик тобора кенг қарор топиб бормоқда.

Бундай ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган бойликни кўз қорачиқидек асраш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Президентимиз бу борада, айниқса миллий армиямизни, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти ҳимоясида посбон бўлиб турган Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада ошириш ўта муҳим аҳамиятга эга эканига яна бир бор урғу берди. Мустақиллик йилларида Қуролли Кучларимизни том маънода халқимизнинг ғурур-ифтихорига айлантириш йўлида ўзининг қамрови ва миқёси жиҳатидан жуда улкан ишлар амалга оширилгани ва келгусида бу соҳада олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларга эътибор қаратилди.

Суҳбат давомида давлатимиз раҳбари бири учун энг устувор масалалардан бири бўлиши ёшлар тарбияси мавзусига тўхталиб, бу хусусда тўқтинчи сўзлади.

Маълумки, ёшлар ҳамма масалада жуда таъсирчан, ҳиссиётга берилувчан бўлади. Айниқса, улар ҳаётда учраб турадиган адолатсизлик, ноҳақлик ҳолатларини нозик ҳис қилиб, бу борадаги ижобий ва салбий ўзгаришларни ғоят тез ва ҳассослик билан қабул қилади. Шунинг учун ҳам бизнинг ғанимларимиз бугунги кунда ҳаётимизда мавжуд бўлган айрим камчиликлардан фойдаланиб, ёшларимизни қалитмоқчи, уларнинг қалбига, дунёқарошига таъсир ўтказмоқчи бўлаётганини эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Бу борада турли мафкуравий марказлар четдан туриб, “мутлак эркинлик”, “чегарасиз эркинлик”, “эркин ахлоқ” деган сохта ғояларни уларнинг онгига синдиришга зўр бермоқда. Бу йўлда “оммавий маданият” намуналаридан, турли ахборот технологияларидан, радио-телевидение, интернетнинг ижтимоий тармоқлари каби воситалардан маккорлик билан фойдаланмоқда.

“Бугунги кунда инсон учун ҳеч қандай чегара бўлиши мумкин эмас” деган ёлгон даъволар ёшлар ўртасида кенг тарқатилмоқда. “Аввало, ўзингга ўхшаган билимни, истеъдодли болаларни атрофингга тўпла” деган “маслаҳат”лар бериб, ҳали ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган, содда ўғил-қизларимизнинг ишончини қозониб, уларни тўғри йўлдан оздиришга уринмоқда.

Мана шундай маънавий хуржлар қандай салбий оқибатларга, ўзаро қарама-қаршилик ва тўқнашуларга олиб келаётганини бугун дунёнинг олис-ақин турли минтақаларида қўриш қийин эмас. Бинобарин, бундай ғаразли уринишларга асло бепарво бўлишимиз мумкин эмас.

Мана шундай мураккаб шaroитда ёшларимизни, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Мана шу муқаддас тупроқ менники, бу ерда ота-боболаримнинг хоки ётибди. Агар шу мусоффо осмон, шу эркин ва ёрғу ҳаёт, мана шу муқаддас Ва-**

тани мен ҳимоя қилмасам, ким ҳимоя қилади?” деган эътиқод руҳида тарбиялаш, ҳеч шубҳасиз, беқисс аҳамият касб этади. Токи ҳаётда ўз йўлини излаётган фарзандларимиз ўз онги, ўз ақли билан мана шу ғояларнинг тарафдорига, керак бўлса, ҳимоячисига айлансин.

“Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга қиряпти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонманам”, деди Президентимиз. Бу сўзлар замирида навқирон авлодига нисбатан қанчалар меҳр, ишонч ва эътибор муҳассам эканини кўплаб амалий мисолларда кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур чиқишида жамоатчиликка қаратилган мурожаат тариқасида янграган яна бир масалага эътибор қаратиш зарур. Яъни, Ўзбекистондаги бугунги тинч-осойишта, фаровон ҳаётни, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод этиш, жамиятимиздаги меҳроқибат муҳитини янада мустақкамлаш учун яна нималар қилишимиз керак?

Бугунги эркин ва озод ҳаётнинг маъносини ва қадр-қимматини ёшларнинг онгига ким етказсади, уларга ким тўғри йўл кўрсатади? Бунинг учун биз – биринчи навбатда ота-оналар, устоз-мураббийлар масъул бўлишимиз зарур эмасми?

Шу маънода, “Ёшларимиз эртага ким бўлади, қайси ғоя учун курашади?” деган масала барчамизни ҳар кун, ҳар дақиқада ўйлантириши лозим. Бундай ўткир масалалар Президентнинг талаби эмас, замоннинг, даврнинг талаби эканини яна бир бор чуқур тушуниб, англаб олишимиз керак.

Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг 9 май кунини Хотира майдонидан билдирган фикрларини шунчаки сиёсат деб эмас, балки ор-номуси, ғурури бор, виждони пок, иродаси мустақкам, ўзини шу Ватан фарзанди деб биладиган ҳар қайси одамнинг қалбига, юрагига бўлган ва уни безовта қилаётган тушунчалар сифатида қабул қилиш манъитий жиҳатдан ҳар томонлама тўғри қараш бўлади.

Шу ўринда муҳим бир фикрга алоҳида тўхталиш зарур. Ҳозирги вақтда маънавий-маърифий ишларни олиб боришда бир пайтлар ўтмишда содир бўлган ёш бугун ўзи бераётган воқеа-ходисалар асосида эски гиналар, низо ва адоватларни кўзга, кимдандир ўч олиш, миллатчиликка берилиш каби ҳолатлар биз учун мулақо номақбулди. Бизнинг мақсадимиз узокни кўзлаб, ён-атрофимиздаги, дунёдаги вазиятни ҳолисона таҳлил қилиб, биринчидан, бугун қандай мураккаб ва таҳликали замонда яшаётганимизни англашда ёшларга кўмак бериш, иқинидан, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустақкамлашдан иборатдир.

Бу борада айниқса Президентимизнинг ҳаммамизга яхши маълум бўлган **“Ўз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади”** деган сўзларини эсга олиш аини мудидадир.

Ана шундай ғояларни ўз онгига чуқур синдириб, ҳаётий эътиқодига айлантирган миллат ва халқни ҳеч қандай куч ўз танлаган йўлидан қайтар олмайди ва бундай халқ ўз олдига қўйган юксак мақсадларга албатта эришади.

ЎЗА

Андижон Вилояти

АГРОКИМЁ ДЎКОНИ ТОМОРҚАНИНГ ОРҚАСИДА

Избоскан туманидаги Яккатут қишлоғида яшовчи Шаробиддин ота Тожибоевнинг ҳовлисига кирар эканмиз, бу ердаги файзу тароватни кўриб, ҳавасимиз келди. Уй-жой, ёрдамчи бинолар, дарахтлар ва хилма-хил сабзавот экинлари уйғунлик касб этган.

— Шукрки, шу дўппидек ердан йилга 2-3 бор ҳосил олаёмиз, — дейди Шаробиддин ота Тожибоев. — Рўзгордан ортганини эса бозорга чиқаряёмиз. Томорқадан келаётган даромад эвазига катта ўғлимга янги ҳовли солдик. Тўйлар қиялёмиз. Аёлим билан муқаддас ҳаж зиёратини адо этиб келдик. Қишлоғимизда қайси бир хонадонга кирманг, одамларнинг ҳаракатда эканлигини кўрасиз. Ҳаракат орқасидан барокат келишини барча бирдек тушуниб етди.

Шаробиддин ота рост гапни айтди. Банкарл эҳтиёжмандларга уруғлик, мева қўчатлари, қорамол сотиб олиш учун кредитлар ажратяпти. Бу имтиёздан фойдаланиб оёққа туриб олаётганлар янги лойиҳаларни амалга оширишни мўлжал қилишяпти. Айтилик, яқин йилларда исхонқандарнинг ҳар квадрат метридан 5-6 килограмм помидор ёки бодиринг териб олаётган деҳқонларнинг аксарияти айна вақтда ушбу кўрсаткичнинг 16-18 килограммга етказишмоқда. Эртанги сабзавотларнинг бир эгтада 3 хиллини парвартириш қилиш эса томорқадан келаётган даромаднинг ошшишига омили бўлаётди.

Аваллари томорқа эгалари экинларни баргидан озиклантириш учун азотли, фосфорли ва калийли ўғитларни тарозидан тортиб, сўнгра алоҳида идишда араштириб сепарди. Ҳозир бундай оворагарчиликка ўрин қолмади. Ишчи эритмаси тайёр суспензия ҳолида кадоқланиб, дўконларга чиқарилимоқда. Деҳқон меҳнатига “шерик” бўладиган зарарқундалар кези келганда 35-40 фоиз ҳосилни йўқ қилади. Бу борада ҳам энди томорқачига кўмак бор. Махсус препаратлар ва

қулай қўл аппаратлари барча дўконларда мавжуд.

— Ҳозирда вилоятдаги томорқа эгаларига агрокимё хизмати кўрсатиш тизимли йўлга қўйилган, — дейди “Қишлоқхўжаликимё” ХАЖ қошидаги “Моҳир Сарбон” биржа савдо базаси раҳбари Ҳошимжон Назаров. — Янги тизим иш бошлаган кунларда тарбиёт-ташвиқотга зарурат бор эди. Энди эса, унинг ўрнини томорқачиларнинг тақлифлари эгалламоқда.

Айни пайтда вилоятда “Моҳир Сарбон” биржа савдо базаси ҳисобига 61 та доимий, 49 та мавсумий, 37 та кўчма дўкон фаолият кўрсатмоқда. Янги тизим ташкил этилган 2006 йилда савдо айланимаси 300 миллион сўмга етганди. 2011 йилда мазкур кўрсаткич 1 миллиард 579 миллион сўмни ташкил этди. Дўконларда агрокимё хизмати кўрсатиш бўйича кўргазмалар плакатлар кўринарли жойларга қўйилган. Тақлиф ва мулоҳазалар дафтарлари мавжуд.

Шаробиддин ота Тожибоев ҳам қишлоқ марказида тадбиркор Ҳусниддин Қосимов томонидан қурилган агрокимё дўконининг миқозини ўзига керакли минерал ўғитлар ва суспензияларни шу дўкондан харид қилади. Фаолият кўрсатаётганига ҳали кўп бўлмаган дўконда 2011 йилда савдо айланимаси 76 миллион сўмни ташкил этди. Қўндалғимизда миқозлардан бири Ҳусниддин Қосимовга кўпроқ миқдорда суспензия кераклигини айтиб қолди. Биз ундан айна суспензияга бўлган эҳтиёжи ҳақида сўрадик.

— Эгтага ўғит бергандан кўра, экиннинг барига суспензия сепиш 2-3 хисса фойдала ва самарали эканлигига амин бўлдик, — дейди Али-



мардон Даминов. — Қолаверса, ҳосил олиш мuddати 20-30 кунга узаймоқда. Томорқамга 4000 туп помидор экинган. Ҳозиргача икки марта суспензия бердим. Экиним бақувват, оммавий гулга қириб, мева туга бошлади. Шу паллада суспензия берсам, унга мадад бўлади.

Бундай миришкор томорқачилар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани, сабзавотлар йил — 12 ой бозор расталарида бор. Бодиринг, помидор, қарам, булғор қалампирини, бақлажон, ошқўқлар савдосида узиллишлар йўқ ҳисоби: Оила бизнесининг асоси бўлган томорқа хўжалиги юртдошларимиз учун ҳақиқий даромад манбаига айланимоқда. Оила бизнеси ривожланса, унинг мустақамлиги ҳам таъминланади. “Мустақкам оила йили” Давлат дастури замирида ҳам ушбу масалага катта аҳамият қаратилганлиги бежиз эмас.

— Ҳали олдимизда кўплаб вазифалар турибди, — дейди Ҳошимжон Назаров. — Аниқ ҳисоб-китоб бўйича вилоятимизда 484 минг 987 та хонадон бор. Экин экилиши ёхуд боғ яратишга ажратилган ер майдони 27 минг 282 гектарни ташкил этади. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан ҳамкорликда жойларда агрокимё хизмати бўйича кўргазмали семинарлар ўтказиб келяпмиз. Билдири-

лаётган тақлиф ва мулоҳазалар доимий тарзда ўрганиб боришмоқда. Хизматимизга эҳтиёж ортаётганлиги аён. Демакки, томорқа хўжалиги тараққий этмоқда. Шу боис, хизмат кўрсатиш доирасини янада кенгайтириш ҳаракатидамиз.

Тадбиркор Мирзахомид Каримов Андижон туманидаги Окёр қишлоғида биринчилардан бўлиб агрокимё хизмати дўконини очган эди. Ушбу қишлоқ аҳолиси сабзавот етиштиришда ўзига хос мактаб яратибди. Савдо дўқони қишлоқдаги томорқачилар учун торлиқ қилиб қолди. Бунинг англаган тадбиркор замонавий лойиҳа асосида қўшқаватли кенг ва ойнаванд дўкон қўрғатди.

Асакалик Баҳодир Аҳмедов, марҳаматлик Пулатжон Мадрахимов, шахрихонлик Акбар Азаматов каби тадбиркорлар ҳам хизмат кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида мақбул лойиҳалар асосида савдо дўқонлари қурилишини олиб боришапти. Мутасадди идоралар томонидан кўрсатилаётган кўмак ва хизматлар эса тармоқ ривожига муҳим омили бўлиб қолаверади. “Моҳир Сарбон” биржа савдо базаси фаолияти, уларнинг кўплаб томорқачилар билан ҳамкорлиги бераётган натижаларини исботлаб турибди.

Қобилжон АСҚАРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРИ

Наманган Вилояти

ҲАРАКАТИДА БАРАКАТ БОР ФЕРМЕР

Учқўрғон туманидаги “Саломат-Саодат-саховати” фермер хўжалиги раҳбари Абдуманноб Абдумуталовни далада учратдик. Фермерга қарашли далада замонавий иккита “Т3-80-11” трактори ишлаётган экан.

— Утган йили даромад ҳисобидан лизингга мана шу “Арион” русумидаги тракторни 206 миллион сўмга сотиб олдик, — дейди Абдуманноб ака. — Кўриб турганингиздек, баҳорги дала юмушларимизни анча тезлаштиряпти. Ҳозирда фермер хўжалигимизда қишлоқ хўжалигидида ишлатилгандагидек саккизта техника ҳамда қатор механизмлар бор. Умумий ер майдонимиз 400 гектар, аъзоларимиз сони бир ўз эллик нафарга етди.

“Саломат-Саодат-саховати” фермер хўжалиги ташкил этилганда ер майдони 23 гектар бўлиб, 13 нафар аъзоси ҳамда бир дон трактори бор эди, хо-



либосига бисердан гул тикади, тўй ва маросимлар учун ширинликлар пиширади. Шу хўшнинг орқасидан барча келинларнинг рўзғори бут, момонинг ҳам улардан кўнгли тўқ. Ҳозирда 15 невага, 5 чеваранинг бошини қовуштириб, дуосини қилиб ўтирибди.

— Раҳматли турмуш ўртоғим билан қирқ йил бирга яшадик, — дейди Катя момо. — Беш фарзандим тарбиялаб, воёга етказдик. Рўзгор юртишда қийналган пайтларимиз ҳам бўлди. Лекин уришши, ажрашиш деган гапларни ҳаёлимизга ҳам келтирмаганмиз. Ҳамиша бир-биримизни тушуниб, бир-биримизга қўшқўқларни қилиб яшадик.

Ҳолмурод бобо умрининг сўнгги йилларида оғир касал бўлди. Катя момо ҳамма ишларини йиғиштириб, умр йўлдошига қаради. Бирова муҳтож қилиб қўймади. Дўхтирлар бир йилдан ортқ яшамайди, дейишди. Ҳамма тақдирга тан берди. Аммо Катя момо ширин сўзи билан турмуш ўртоғининг дardини олишга ҳаракат қилди.

Бобо яна беш йил умр кўрди. Катя момо беш йил унинг ёнидан жилмади. Ҳа, Катя момо сингари кайовани онахонлар, кўпни қўрган ота-онахонлар ҳар бир маҳаллада топилади. Уларнинг тажрибасидан, ҳаётий ибратидан фойдаланиш оилалар мустақамлигига хизмат қилади.

Анвар СААДОВ, ЎЗА мухбири.

Қашқаро Вилояти

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР

Вилоят давлат солиқ бошқармасида интерактив хизматларга бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди.

Унда таъкидланганидек, Давлат солиқ қўмитаси томонидан 10 та базавий ва 6 та қўшимча интерактив давлат хизматлари йўлга қўйилган бўлиб, шундан 6 таси 2011 йилда ишга туширилди. Ушбу интерактив хизматлар қаторида жисмоний шахсларга мўлжалланган хизматларга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда шакллантириш ва солиқ хизмати органларига интернет орқали юбориш имкониятидан бугун солиқ тўловчилар унумли фойдаланишмоқда. Айна дамба вилоятда солиқ ҳисоботларини тақдим этиши лозим бўлган субъектларнинг 85 фоизи ушбу хизматдан фойдаланаётди.

2012 йилнинг бошидан хориқ тажрибасидан келиб чиқиб, ДСҚ томонидан “Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солигини ҳисобловчи электрон қалқулятор”, “Солиқ органларининг расмий тушунишлари”, “Солиқ қарздорликлари тўғрисида” СМС-сўровларни жўнатиш, “Контрагент тўғрисида маълумотлар”, “Якка тартибдаги тадбиркорларнинг электрон солиқ ҳисоботлари” каби беш турдаги янги интерактив хизматлар ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, расмий сайтда “Сўровнома”, “Солиқ нозиларини кўриб чиқиш” каби электрон хизматлар жорий этилди. 2012 йил охиригача Давлат солиқ хизматининг интерактив хизматлари сонини 22 тагача кўпайтириш бўйича ишлар олиб борилаётган.

Тадбир сўнгига “Солиқ билимлари — болаларга” республика кўрик-танлови ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

Хусан ТЕМИРОВ

Сурхондарё Вилояти

КАЙВОННИ КАТЯ МОМО

Рўзхол момо неварасини уйлантирадиган бўлди. Тўй кунини белгиланиб, тайёргорлик ишлари қизида. Тўйда, айниқса, хотин-халажларнинг борди-келдиси-ю, ташкилий ишлари кўп бўлади. Рўзхол момо ана шу ишларнинг барчасига қайвонлик қилишни Катя момога топширишни кўнглига тугиб юрган эди.

Дастлаб бу тақлифга кўпчилик ҳайрон бўлди. Чунки тўй тадбирларини бошқарувчи кайвони, аввало, яқин қариндошлар орасидан, қолаверса, миллий урф-одатларини яхши биладиган аёллардан танланади. Катя момо эса тўй эгасига етти ёт бегона.

— Катяни мен яхши биламан, — деб қатъий турди Рўзхол момо фарзандларига. — Бировнинг бир сўмига хиёнат қилмайди. Урф-одатларимизни ҳам жуда яхши билади. Эллик йилдан бери элга аралашиб, ўзбекдай бўп кетган.

Рўзхол момо айтгандай бўлди. Тўйга Катя момо қайвонлик қилди. Қуда томон ҳам шу қишлоқдан эди. Табиийки, улар ҳам ҳалол ва тўғрисиқ бў аёлни яхши билар, қудамал яхши кўрарди. Шу боис, қудалар ўртасидаги “музокара” ҳам осонликча ҳал бўлди. Икки томоннинг бир-бирига “фалон нарса қилсан, бунини олиб келсан”, “хўхатлик, меҳро-оқибат сабаб бўлган.

— Тўнғич фарзандим Тошкентда армияда эди, — дея хотирлайди Рўзхол момо. — Бир кун йўлга термилиб, хомуш ўтиргандим, Катя келиб қолди. Ҳол-ахвол сўради. Мен ўғлимни соғинганимни, кўрган бормолаётганимни айтдим. У пайтлар ҳозиргидек енгил машиналар, замонавий автобуслар қаёқда, йўл билмайдиған одам узоқ жойга бормасди. “Сизни ўзим ободига келаман”, деди Катя. Эртасига йўлга чиқдик. Ўғлимни кўриб қайдик.

Бу биргина мисол. Аслида Шеробод туманидаги Ғамбур маҳалла ахли бир-бирига ана шундай ҳурмат-эътиборли, меҳр-муруватли. Бу халқимизнинг азалий қадриятини, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир.

Асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келган. Тўй-маъраклари тартибли ўтказиш, ён-атрофни ободонлаштириш, муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, оиладаги айрим келишмовчиликларни бартараф этиш каби кўплаб масалалар маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатлигида ҳал этилган.

Байналмилал Маҳалла

БИОГАЗ ҲАМ ЭНЕРГИЯ

Бугунги кунда энергия манбаларига бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бораётган. Шу боис, унинг таъминоти инсоният олдида турган долзарб муаммага айланиб кетди. Энергия захираларининг тобора озайиб бораётгани ва улардан фойдаланиш натижасида атроф-муҳитга етатган зийн инobatга олиниб, кўпгина мамлакатларда қайта тикланувчи энергия манбалари, шу жумладан, биогаз технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Биогаз технологиялари иссиқхона газларининг атроф-муҳитга тарқалишини камайтириш орқали иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини бартараф этиш ҳамда барқарор иқтисодий тараққиётга эришишда муҳим роль ўйнайди. Тахминларга кўра, 2040 йилга бориб, биомассанинг дунё бўйича умумий энергия истеъмолидаги улуши 23,8 фоизга етати.

Жаҳон таърибасидан маълумки, биогаз ишлаб чиқариш хозирининг ўзидан амалий самарасини бермоқда. Масалан, Лондон шаҳрининг учдан бири оқова сувлар ва маийш чикиндилардан қайта ишлаб олинган биогаз ҳисобига иситилади. Германияда эса айрим электр станциялари мазкур ёнилғидан ишламоқда. Биогаз технологияларининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, энергия манбаи учун хомашё сифатида турли хилдаги табиий чикиндилардан фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистонда биогаздан фойдаланиш бир қатор масалаларнинг муқобил ечими сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатда биогаз ишлаб чиқаришнинг умумий салоҳияти 8,9 млрд. куб метрдан зиёддир. Иссиқлик кўрсаткичи бўйича 6,5 млрд. куб метр табиий газга тенг бўлиб, республиканинг энергия манбаига бўлган йиллик эҳтиёжининг 10 фоиздан кўпрогини ташкил этади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжа-

лиги маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Бир қатор фермер хўжаликлари чорвачилик соҳасига ихтисослашган. Ҳар бир фермада йил мобайнида кўп миқдорда гўн, ўсимлик поялари, турли табиий чикиндилар тўпланиб қолади. Янги чорва гўни ва бошқа табиий чикиндилар оқова сувлар билан бирга атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади, ер ости сувлари ва атмосферанинг ифлосланиши, тупроқнинг зарарли микроорганизмлар билан заҳарланишига сабаб бўлади.

Ушбу муаммоларнинг истиқболли, экологик хавфсиз ва иқтисодий жиҳатдан фойдали ечими — бу хайвонлар гўни ва қишлоқ хўжалиги чикиндиларини биогаз қурилмаси (БК) воситасида қайта ишлаб, бу жараёнда биогаз ва юқори сифатли органик ўғитлар ишлаб чиқаришдир. Қолаверса, биогаз технологияларидан фойдаланиш қишлоқ аҳолисини электр энергияси ва табиий газ баробарида қўшимча барқарор энергия манбаи билан таъминлашга ҳисса қўшади. Шунингдек, чорвачилик чикиндиларини қайта ишлаш фермер хўжаликларининг санитария ва гигиена ҳолатини яхшилашга ҳам хизмат қилади. Боз устига, биогаз ишлаб чиқариш жараёнида олинган сифатли ва экологик тоза биоўғитлар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини 20-30 фоизга оширишга имкон беради.


Бугунги кунда Ўзбекистонда биогаз технологияларидан фойдаланишга доир муайян назарий ва амалий тажриба тўпланган. Чунончи, 2006-2008 йиллар давомида БМТ Тараққиёт Дастури мадади билан Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган "Milk-agro" фермер хўжалигида биогаз қурилмасини ўрнатиш бўйича лойиҳа амалга оширилди. Биогаз қурилмасининг ишга туширилиши шарофати билан мазкур хўжалик кунига 8 тонна миқдорда гўнни қайта ишлаш, йилга 70 тонна мазутни тежаш баробарида 100 минг куб метр биогаз ишлаб чиқариш ҳамда ҳар йили 2000 тонна юқори сифатли табиий ўғит олиш имконига эга бўлди.

Айни пайтда энергия манбалари

Муаммо ва ечим

ри ва сифатли ўғитга бўлган эҳтиёжнинг тобора ортаётгани қишлоқ жойларида кичик ва кам харажатли биогаз қурилмасини кенг жорий этишни тақозо этмоқда. Улар асосий мезонларга мос келади: нисбатан арзон, ҳажми кичик, шунингдек, қуриш ва ишлатиш осон.

Етарли салоҳият ва моддий ресурсларнинг маъжудлигига қарамай, биогаз технологияларидан фойдаланиш хозирча кенг йўлга қўйилмаган. Муаммонинг асосий сабабларидан бири фермерлар ва ишбилармонлар биогаз қурилмасининг иқтисодий афзалликлари, уларни қуриш ва ишлатишнинг молиявий масалалари ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигидир. Уларнинг ноанъанавий энергия манбаларига ишонқиранмаслиги, шунингдек, биогаз қурилмаларини ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишга ихтисослашган компанияларнинг



Фермер хўжалиги учун қурилган чорва, парранда ва ўсимлик чикиндиларини қайта ишлаш биогаз қурилмаси макети.

йўқлиги бу соҳани ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ Тараққиёт Дастури томонидан маъқулланган лойиҳа доирасида мамлакатимиз фермер хўжаликларида биогаз технологияларини оммавийлаштириш бўйича кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг март ойида Сирдарё вилоятида жойлашган "Надежда" фермер хўжалиги ҳамда Урганч давлат университети қошида биогаз технологиялари намоийиш марказлари очилди. Улардан қўзланган асосий мақсад фермерларни биогазнинг афзалликлари ҳақида кенг воқиф этишдан иборат. Бу фаолият доирасида ўтказилаётган махсус тренинг ва семинарлар давомида фермерлар биогаз қурилмасидан фойдаланиш тажрибаси билан танишади, ундан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш маълумотларига эга бўладилар ҳамда бизнес-режалар ишлаб чиқишади.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда биогаз технологияларини жорий этишнинг дастлабки босқичи кечмоқда. Мазкур жараён соҳага доир қонунчилик асосларини тақомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ва биогаз технологияларини рағбатлантириш учун молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини яратишни тақозо этмоқда. Биогаз қурилмаларини харид қилиш учун имтиёзли кредитлар бериш ҳамда қайта тикланувчи энергетика хизматларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Биогаз қурилмаларини тежашга хизмат қилади ҳамда иқтисод қилинган табиий газдан бошқа тармоқларда фойдаланиш имкониятини яратди.

Суннат САЙДАЛИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти

Ишон туманидаги 35-умумтаълим мактабида ахборот ресурс марказлари (АРМ)дан фойдаланувчиларнинг ахборот олиш маданиятини юксалтириш ҳамда ахборот саводхонлигини оширишга бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди.

АХБОРОТ ОЛИШ МАДАНИЯТИ ОШИРИЛАДИ

Унда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари халқ таълими бошқармаси ҳамда ахборот ресурс марказлари ходимлари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди. Тадбир қатнашчилари тумандаги ахборот ресурс марказлари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Шунингдек, йиғилганларга вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги АРМлари фаолияти тўғрисида атрофлича маълумот берилиб, амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар ва галдаги вазифалар ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Наманган Вилояти

— Помидор, бодрингни қаердан олиб келиб сотяпсизлар?

— Ўзимизнинг ҳовлида етиштирдик.

— Ҳазиллашпсизми?

— Нега ҳазиллашарканман, ишонмасангиз бориб кўринг.

— Қойил-э! Демак,

қишда ҳам шундай маҳсулотлар етиштирса бўларкан-да?..

— Ҳа, нафақага чиққан йилларимиз эр-хотин томонларининг 0,4 сотихида мўжазгина иссиқхона ташкил қилиб, помидор, бодринг етиштириб бозорга олиб чиққанамизда, ана шундай ишонқиранмаганлар ҳам кўп бўлган, — дея бундан 16 йил аввалги кунларини хотирлайди Ўғилхон ая Ўйчибоева. — Шуқр, ҳалол меҳнат қилиб кам бўлганимиз йўқ. Орттирган даромадимизга фарзандларимизга тўй қилдик, уларга уй-жой солидик. Ҳозирда битта хайдон тракторимиз ҳамда «Нексия», «Матиз» русумли енгил автомашиналаримиз бор.

Дарҳақиқат, ўқитувчи Шамсидин Абдуллажонов ва Ўғилхон Ўйчибоеваларнинг хонадони Янгиқўрғон туманидаги Бешбулоқ маҳалласида ўзига тўқ, ҳар жиҳатдан ибратга аризиқчи оилалардан.

Бу йил Шамсидин ака ва Ўғилхон аянинг турмуш курганига 56 йил тўлди. Шу йиллар давомида бу оила қанча синов ва машаққатларда тобланмаган дейсиз.

— Рўзгор тебратиш, фаровон яшаш, ўғил-қиз ўстириш, турмуш



қўрғон туманидаги Бешбулоқ маҳалласида ўзига тўқ, ҳар жиҳатдан ибратга аризиқчи оилалардан.

Бу йил Шамсидин ака ва Ўғилхон аянинг турмуш курганига 56 йил тўлди. Шу йиллар давомида бу оила қанча синов ва машаққатларда тобланмаган дейсиз.

— Рўзгор тебратиш, фаровон яшаш, ўғил-қиз ўстириш, турмуш

ташвишларида эр-хотин доимо ҳам-фикр бўлдиқ, ахил, тинч-тотув яшашга интилдик, — дейди Шамсидин ака. — Рўзгорда борига шуқр қилдик, йўғига қўндик. Асосийси, ҳалол меҳнат қилишга интилдик. Пенсиям бўлмас-да, хунар ва дехқончилик орқали қўшимча даромад топишга ҳаракат қилдик. Ўғил-қизларимизга ҳам шуни ўргатдик.

ИБРАТ

Дарвоқе, оиланинг тўнғичи Хусниддин ота-она изидан бориб, ўқувчиликни танлаган. Йигирма йилдирки, тумандаги 10-умумтаълим мактабида ўқувчиларга рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келади. Устачилик ҳунари ҳам бор. Унинг аёли Шаҳзода эса 50-умумтаълим мактабида ўқитувчи. Фахридин Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. У ҳам эшик-ром асашни қойиллатди. Унинг турмуш ўртоғи Махфизахон ўқувчи, ҳар ишда чакқон келинлардан. Болалиқдан санъатга ошно кенжа ўғил — Садриддин эса мусиқа фани ўқувчиси, шунингдек, телевизор-радио тузатишнинг ҳам уддасидан чиқади, унинг умр йўлдоши Умидхон қўли енгил ҳамшира. Қизлари Икболхон — тарбиячи, Ҳилола эл саломатлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилади. Қуёвлари Баҳодир ва Илҳомжонлар ҳам оиласи ва халқига нафи тегаётган касб-ҳунар эгаларидан.

Асосийси, уларнинг бари ота-оналари каби оилани муқаддас билишади. Бахтли яшаш, ўғил-қизларини комил инсон қилиб воғга етказишга масъулият қилиб ёндашишади.

Ана шундай ўзаро ахил, меҳр-оқибатли, фаровон оилалар ҳаммаша мустаҳкам бўлаверадилар.

Шаҳзода АҚБАРОВА

МУСТАҲКАМ ОИЛА — ҚУТ-БАРАКАЛИ ОИЛА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ БЎШ (ВАКАНТ) ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Профессорлар:

1. Фермер хўжалигини бошқариш кафедраси;
2. Умумий техника фанлари кафедраси.

Доцентлар:

1. Умумий техника фанлари кафедраси;
2. Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси ва фитопатологияси кафедраси;
3. Фермер хўжалигини бошқариш кафедраси;
4. Иқтисодий назария ва ахборот технологиялари асослари кафедраси.

Катта ўқитувчилар:

1. Олий математика, физика ва кимё кафедраси (кимё мутахассислиги бўйича).

Ассистентлар:

1. Иқтисодий назария ва ахборот технологиялари асослари кафедраси (ахборот технологиялари мутахассислиги бўйича);

2. Олий математика, физика ва кимё кафедраси (олий математика мутахассислиги бўйича);

3. Умумий техника фанлари кафедраси;

4. Фалсафа кафедраси;

5. Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси ва фитопатологияси кафедраси (биотехнология мутахассислиги бўйича);

6. Бухгалтерия ҳисоби;

7. Урмончилик ва экология кафедраси (экология мутахассислиги бўйича);

8. Гуманитар фанлар кафедраси;

9. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси.

Ўқитувчилар:

1. Ўзбек тили ва чет тиллар кафедраси (инглиз тили ўқитувчиси).

Танлов учун ҳужжатлар эълон чиққан кундан

Телефон: 260-46-80.

Хўжатлар қуйидаги манзилда топширилади:

100140, Тошкент-140,

Тошкент давлат аграр университети, бош бино, 3-қават, университет ходимлар бўлими.

Телефон: 260-46-80.

АГРОМАШ
ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ
«АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»
ТАКЛИФ ЭТАДИ:

АГРОМАШ ВТ-90, ВТ-150 ТИМФАСИДАГИ ЗАНЖИРЛИ ТРАКТОРЛАР:
АГРОМАШ 30-ТК, 50-ТК, 60-ТК, 85-ТК УНИВЕРСАЛ ЕР-ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАР:
ЗАНЖИРЛАР ВА БОЎҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР, СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ

Тошкент ш. Навоий йўли кўчаси, 1. Тел.: +998 71 120 96 11;
+998 71 120 96 12; Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chitra-tashkent.ru
Сайт: www.chitra-tashkent.ru

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Ангор тумани ҳокимининг 2012 йил 6 январдаги 4-сонли қарорига ва 2012 йил 25 апрелдаги 01-28/108-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Савад ва маийш хизмат нукталари биноси қуриш учун Ангор тумани, «Ангор» қўрғони ФЙ, «Наврўз» маҳалласи, Ҳажим Ат-Термизий кўчаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 103 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ангор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни баҳарий танлов ҳолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан

бошлаб 2012 йил 31 декабргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 18 июнь кунини соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоиз миқдоридида закатлатни закатлат келишуви асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ангор тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 19 июнь кунини соат 11.00 да очилади, 2012 йил 19 июнь кунини соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ҳолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ҳолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 19 июндаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йил 29 июнь ва 9 июль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 28 июнь ва 6 июль кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ангор тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 29 июнь ва 9 июль кунлари соат 11.00 да очилади, 2012 йил 29 июнь ва 9 июль кунлари соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ҳолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танлов ташкилотчиси — «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Тел/факс: (8-376) 227-57-94. Расмий сайти: www.1kms.uz. Лицензия № RR 0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридида ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюртманома қил билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закатлат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

зилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закатлат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ НАВОЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 2012 йил 11 май кунги 56 (7981) сонидан эълони чоп этилган «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиали томонидан танлов савдосига чиқарилган Автомобилларга метан газ қўйиш шохбосчаси қуриш учун 7500 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати — 2 814 565 сўм деб ўқилсин.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй.

Мурожаат учун тел: (8-436) 224-44-01. 224-15-61.

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закатлат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реқвизитлари: АТБ «Савдогарбанк» Музабот филиалининг Термиз шаҳар минибанки, х/р: 20208000204920609017, МФО 00336, СТИР 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларнинг бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз:

(+99871) 228-78-96, 228-8

